

# TOSHKENT OQSHOMI



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№3 (14.106)

19 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА 2023 ЙИЛ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



[vfto.uz](http://vfto.uz)



[vfto\\_uz@mail.ru](mailto:vfto_uz@mail.ru)



[@Toshkent\\_oqshomi](https://www.instagram.com/Toshkent_oqshomi)



[Toshkent oqshomi](https://www.facebook.com/Toshkent_oqshomi)



[Toshkent Oqshomi\\_24](https://www.t.me/Toshkent_Oqshomi_24)

*Ҳазрати Имом  
мажмуаси шундай  
қурилганки, куннинг  
исталган вақтида қуёш  
доимий равишда масжид  
ичига тушиб туради.*

АНОНС



СИНОВЛАРДА  
СИНАЛГАН  
САИДА



ЗИЙРАК  
БОБО  
ШАҲАР  
КЕЗДИ...



САЛОМАТЛИККА  
ҲАМОН ХАВФ  
СОЛАЁТГАН  
“COVID-19”

Пойтахтимизда



Мудофаа вазирлиги томонидан шаҳар ва туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда ҳарбий дала ошхоналари ташкил этилиб, фуқароларга иссиқ чой ва егуликлар таклиф этилмоқда.



Халқ депутатлари **Мирзо Улуғбек тумани** Кенгашининг етмиш олтинчи сессияси онлайн тарзда ўтказилди. Унда 2022 йилдаги бажарилган ишлар сарҳисоби ва жорий йилдаги режалар юзасидан келишиб олинди.

**Чилонзор тумани** Электр тармоқлари биноси олдида тумандаги электр таъминоти билан боғлиқ муаммоларни тезкорлик билан бартараф этиш бўйича тезкор штаб йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда туман ҳокими, сектор раҳбарлари, барча масъуллар иштирок этди ва бугунги амалга ошириладиган ишлар режаси тузилиб, ишлар тақсимлаб олинди.



**Янгиҳаёт тумани** ҳокимлигида ҳоким ёрдамчилари иш фаолиятига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда туман прокурори катта ёрдамчиси ва ҳокимнинг биринчи ўринбосари иштирок этиб, ҳоким ёрдамчилари ўз иш фаолиятига оид ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар ижросини тўғри йўлга қўйишлари бўйича тегишли кўрсатмалар бердилар.

Шунингдек, ҳоким ёрдамчиларининг хизмат вазифалари давомида қонун бузулиши ва коррупция ҳолатлари бўлишига йўл қўймасликлари қатъий таъкидланди.

“Адолат” социал демократик партияси **Учтепа туман** Кенгаши томонидан туманда жойлашган Фарход маҳалласидаги кексалар ҳолидан хабар олиниб, иссиқ кўрпалар ҳаёда этилди.



**Бектемир тумани** масъул вакиллари Ички ишлар вазирлиги масъул ходимлари билан биргаликда туманда коммунал соҳа объектларидаги ҳамда тиббий соҳа фаолияти ва аномал совуқ об-ҳаво шароитига тайёргарлик ҳолатлари ўрганилди.

Шунингдек аҳолидан келиб тушаётган мурожаатларни тезкор ҳал этиш мақсадида туман ҳокимлиги биносида ташкил этилган тезкор штабда амалга ошириладиган ишлар билан танишишди.

**Юнусобод туманидаги** мавжуд 64 та маҳаллаларда фаолият юритаётган хотин-қизлар фаоллари, профилактика инспекторлари ва патронаж ҳамширалар билан ҳамкорликда уйма-уй юриб, аҳоли саломатлиги, ижтимоий аҳволи ҳамда муаммолари хонадонбай ўрганилмоқда.

Ўрганишлар мобайнида “Аёллар дафтари”га киритиш учун хатлов ишлари амалга оширилди.



**Пойтахтимизда** “Central Asia Chess Cup 2023” халқаро шахмат турнири старт олди. Турнирда Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистондан 57 нафар шахматчи голиблик учун баҳсга киришди. Очилиш маросимида мамлакатимизнинг 5 нафар иқтидорли шахматчисига “Sharja Masters 2023” турнирида иштирок этиш учун йўлланма тақдим этилди.



Хунармандчилик маҳсулотлари кўргазма-савдосида иштирок этинг.

2023 йилнинг 21-22 январь кунлари Тошкент шаҳрининг «NEXT» савдо мажмуасида хунармандчилик маҳсулотлари кўргазма-савдоси бўлиб ўтади. Кўргазма-савдо Республика «Хунарманд» уюшмаси, «NEXT» савдо мажмуаси ҳамкорлигида ўтказилади. Ўзбекистоннинг турли ҳудудларига хос бўлган хунармандчиликнинг 20 га яқин йўналишлари жумладан, каштачилик, кулолчилик, мисгарлик, ёғоч ўймакорлиги мактабларига хос бетақдор маҳсулотларни ҳамда маҳаллий хунармандлар қўли билан ясалган, юрт гўзаллиги ва бетақдорлигини акс эттирган сувенир совғаларини харид қилиш ҳам мумкин бўлади. Шунингдек, миллий адрас, кашта, шойилардан либослар, қорақўл ва бошқа ноёб мўйналардан таёрланган устки кийимлар дефиле кўргазмаси бўлиб ўтади.

АФИША

Совуқ ҳаво таъсири сабаб Ўзбек миллий академик драма театри спектакллар намоишини бир неча кунга кечиктирди.



Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрида намоиш этиладиган спектакллар:

- 20 январь жума “Дилдаги доғ”,
- 21 январь шанба “Айёргина аёллар”,
- 22 январь якшанба “Ақлдан озиш ҳеч гап эмас”,
- 23 январь душанба “Қобил ила Хобил”,
- 25 январь чоршанба “Антиқа совчилар”



# «ХАЗРАТИ ИМОМ» МЕЪМОРИЙ АНСАМБЛИ

*Ривоят: «Уламолардан бўлмиш Шайх Умар Боғистоний кўп йиллар давомида фарзанд кўрмайди, нажот истаб, завжаси билан бирга Ҳазрати Имом қабрини зиёрат этади. Қуръон тиловатидан кейин Аллоҳ таолодан фарзанд ато этишини илтижо қилади. Худди шу пайт мақбара устидан бир гала қалдирғочлар бирданига кўкка кўтарилади. Бу парвоздан “Ат-тахур” деган садо янграб кетади. Бу яхшилик аломати, дуо ижобат бўлажасидан бир мужда эди. Вақти соати етиб, Шайх Умар Боғистоний ўғли фарзандли бўлади. Унинг исми олдиндан маълум эди. Чақалоққа Хованди Тахур деб исм қўядилар”.*

Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур туманида жойлашган Ҳазрати Имом мажмуаси “Ҳастимом” номи билан ҳам машҳурдир. 903 йиллик тарихга эга майдон эски шаҳарнинг орқасида жойлашган бўлиб, у 1966 йилдаги кучли zilзиладан омон қолган. Мажмуа олим ва дин арбоби, биринчи тошкентлик имом Каффол аш Шоший дафн этилган жойда қурилган. XVI-XX асрларга тегишли мажмуада дастлаб Бароқхон мадрасаси қад ростлаган. Бароқхон мадрасаси ўрнида дастлаб иккита катта ва кичик мақбара бўлган. Кичик мақбарада Бароқхон қабри бор. Унинг тўрт томонидаги эшикларидан учтаси кейинроқ беркитиб ташланган. Қолган эшикдан зина билан томга чиқилган. 1904 йилда масжидга айлантирилган катта мақбарада Тошкент ҳокими Суюнчхўжа қабри бор. Кейинроқ Каффол Шоший мақбараси ва номаълум мақбара ҳам меъморий комплексга қўшилган. 1579 йилда Абдуллаҳон II маблағига қўш услубида Шайх Бобоҳожидан мақбараси қурилган бўлсада, бугунги кунгача сақланиб қолмаган. Мажмуа таркибида сайргоҳ боғ, айвонлар қурилган бўлиб халқ сайилларини ўтказиш мақсадида ҳовуз атрофлари ҳам кўкаламзорлаштирилган. XIX аср ўрталарида Тошкент намозгоҳи яъни Тиллашайх масжиди, Мўйи Муборак мадрасаси бунёд этилган. XX аср бошларида Тиллашайх масжиди қайта қурилиб, Эшон Бобоҳон ҳам шу жойга дафн этилган.

Бугунги кунда мажмуада Имом ал-Бухорий Ислам институти ва ташриф буюрувчилар учун кутубхона очилган бўлиб, у ерда шарқ адабиётига оид кўплаб қўлёзмалар тўпланган. Улар орасида учинчи халифа – Усмон Қуръони ҳам бор. VII асрда ёзилган ушбу китоб кўплаб мамлакатлар бўйлаб катта саёҳат қилган. Ушбу қадимий муқаддас китоб анчайин катта бўлиб, 353 та пергамент варақларни ўз ичига олади. Халифа Усмон даврида ёзилган бу Қуръон Амир Темури томонидан Ироқдан Самарқандга олиб келинган, лекин собиқ иттифоқ даврида

Россияга олиб кетилган.

Қуръон — уламоларнинг саъй-ҳаракати билан 1926 йилда Ўзбекистонга қайтарилган. Тошкентда сақланадиган ушбу Қуръони Карим 53x68 см ҳажмга эга.

Ансамбл ҳудудига четдан олиб келинган турли хил антиқа ўсимликлар экилган. Баҳордан кузга қадар эса Ҳаст Имомда лайлақлар уя қуришади. Ҳаст Имом мажмуаси тунда, чироқлар ёқилиб, шарқ эртагининг ҳаёлотини яратганда айниқса гўзалдир.

Комплекснинг интерьер ва дизайни шарқона тарзда ишлаб чиқилган. Бинонинг қурилиши шу тарзда қилинганки, куннинг исталган вақтида қўёш доимий равишда масжид ичига тушиб туради. Архитектура тузилиши ўзининг кўлами билан ажралиб туради ва шу туфайли 10 минг зиёратчи унда бир вақтнинг ўзида намоз ўқиши мумкин. Бугунги кунда меъморий ансамблнинг умумий майдони 2 гектарни ташкил этади.

Кундан кунга чирой очаётган пойтахтимиз кўркига кўрк қўшаётган кўркем ансамбл атрофида яна қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Ўзида нафис миллийлик ва пурмаъно салобат мужассам этган бу меъморий обидалар нафақат пойтахтимиз, балки республикаимиз ҳудудида ҳам сайёҳлар сонини ошишига хизмат қилади. Бой тарихий меъросимизни бутун дунёга танитиш, келажакка ҳам етказиш бугунги авлоднинг муқаддас бурчидир.

**Абдуманнон Усмонов**

**“Ҳазрати Имом” масжиди ходими:**

– Бу ерда ўн беш йилдан бери хизмат қиламан. 2007 йилда Ҳазрати Имом масжиди қурилди. 7 ой давомида қуриб битирилган масжидни 20 та устуни Ҳиндистондан махсус келтирилган. Устунларнинг шундай хусусияти борки, обҳавода озроқ намгарчилик сезилса, ўзидан ширин ифор тарқатади. Айвоннинг шифтлари ҳар бир вилоятнинг ўзига хос ўймакор нақшлар акс эттирилган. Эски бузилган иморатлардан чиққан гиштларни кесиб, ерга терилган. Баъзи ерга терилган йўлак тошлари XV-XVI асрларга оид. Масжид қурилгандан кейин бу мажмуага келиб кетувчилар сони анча ортди. Шундай файзли, нурли маконда хизмат қилаётганим кўнглимга ҳаловат беради. Бу ерга қадими етган ҳар бир одам бу ҳиссиётни қалбидан ўтказишига ишонаман.

**Умида Ҳақбердиева**  
тайёрлади





## Синовларда синалан Саида

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
артист Саида Раметова.

Ҳаётнинг синовларини табассум билан  
қариши оладиган матонатли аёл!  
Саҳнада ҳам, экранда ҳам юлдуз бўлиб  
порлаган актриса!

- **Аслида, Тошкентга актриса бўламан, деб келмагансиз...**

- Ҳа, тақдирни қарангда, аслида ҳуқуқшунос ёки шифокор бўламан деб ният қилар эдим. Санъаткор бўлишим тушимга ҳам кирмаган. Аммо санъаткорларни ҳурмат қилардим. Тақдир тақозоси билан Тошкентга ўқишга келдим ва театрга тушдим. “Кўрмайин босдим тиконни” деб номланган спектакл менинг дунёимни остин-устун қилиб ташлади. Ўша лаҳзадан бошлаб санъатга қалбдан буткул боғланиб қолдим. Бош ролларни Ўзбекистон халқ артистлари Гулчеҳра Жамилова ҳамда Эркин Комилов ижро этганди. Бир кун спектаклдан кейин театрнинг орқа эшигида актёрларнинг чиқишини кутиб турдим. Гулчеҳра опа ва Эркин ака билан ўшанда биринчи марта юзма-юз суҳбатлашганман. Улар менга санъат институти ҳақида, у ерда бўладиган имтиҳонлар ҳақида илк тушунчалар беришган. Қўлларини дуога очиб, оқ йўл тилашган.

- **Ва сиз санъатга қадам қўйдингиз...**

- Ҳа, устозлар билан бўлган суҳбатдан кейин мен юз карра амин бўлдимки, менинг келажагим санъатда! Тасаввур қиляпсизми, етти юз йигирмата абитуриент ҳужжат топширган. Лекин йигирма нафаргина талаба қабул қилиниши керак эди. Не бахтки, менга омад кулиб боқди. Самарқандлик Солиева Саида биринчилардан бўлиб талабалар сафига қабул қилинди. Ўқиш туғади, лекин мен Тошкентда қолишим керак, дердим. Аммо Самарқанд театри раҳбарияти мени олиб кетиш истагида эди. Мен Миллий театрда боришга ўша пайтда ўзимда куч топа олмаганман. Шунинг учун дастлаб ҳозирги Ўзбек давлат

драма театрида ишлашга қарор қилдим. Устозим Ўзбекистон халқ артисти Бахтиёр Ихтиёров мени яхши кутиб олди ва Тошкентда ижод қилишимга сидқидилдан ёрдам берди.

- **Биринчи ролнинг муваффақиятини сизчалик ҳис қилган актрисалар кам...**

- Тўғри айтасиз, биринчи ролингиз хоҳ театрда бўлсин, хоҳ кинода агар маромига етса, омад сиз томонда бўлади. Саҳнада ўзингизни биринчи қадамда намоён этиш жуда муҳим. Исфандиёрнинг “Отасининг қизи” спектаклидаги Наргиза менинг илк ролим. Мурод Ражабов, Мадина Тўхтаева, Карим Мирҳодиев, Матёқуб Матчонов, Ҳошим Арслонов каби катта актёрлар билан ишладим. Шундан кейин театрда бахтим кулди, кетма-кет яхши роллар менга насиб қила бошлади...

- **Ҳамма яхши роллар Саида Раметовага насиб эта бошлади... “Нега? Нима учун? Биз-чи?..” деган саволлар бўлмадими ён-атрофдан?**

- О, бу саволларсиз ҳаёт бўлар эканми! Кимдир маҳоратингизга тан беради, кимдир меҳнатингизга қойил қолади, яна кимдир “нега Саидага, ундан бошқа актриса йўқми?”, дейди... Мен изтиробларимни ҳаммаша юрагимда сақлаганман. Кўз ёшларимни кўрсатмаганман. Ҳар бир вазиятга табассум билан қараб ютдим. Агар дийдиёлар билан ўралашиб қолганимда вақтдан ютқазардим.

- **Жумадулла Раметов билан турмуш қуришдан аввал ўзаро шартнома қилган экансиз, шу ростми?**

- Рост (кулиб). Театрга ишга келганимдан сўнг бир йил ўтиб, Жумадулла Раметов билан оила қур-

дик. Турмуш ўртоғимга тўйдан аввал “санъаткор бўламан деб ўқидим, Самарқандга ҳам кетмадим, театрда ишлашимга рухсат берсангиз, сизга турмушга чиқаман” деганман. Шунда Жумадулла Раметов ҳам “Иккаламиз ҳам ўзимизнинг севган касбимизда ишлаймиз, ҳеч қачон театрдан айирмайман, имкон қадар сизни қўллаб-қувватлайман”, деб сўз берган. Шукр, умр йўлдошим берган ваъдасини устидан чиқди. Лекин жуда рашкчи эди, ҳам оилани, ҳам санъатни баробар олиб кетиш аёл киши учун ниҳоятда қийин. Фарҳод Абдуллаев доим “Саида, сенда отнинг калласидек юрак бор”, дерди. Шундай дўстларнинг далдаси ҳам менга куч берарди.

- **Театрда, умуман ижодда келишмовчиликлар кўп бўлади... Сиз билан ҳам бир текис кетмагани аниқ...**

- Бизни театрда Баҳодир Йўлдошев бош режиссёр бўлиб келганларида мен нимагадир бош роллардан тушиб қолдим, асосан эпизод образларда, оммавий саҳналарда чиқдим. Нима учун, деган саволни бировга бермадим, фақат ишладим, театрнинг тартибларига риоя қилдим. Баҳодир ака мени театрда борлигимни ҳам сезмагандек эди... Исёнларим ичимда қолди. Ўша пайтда “Зинуля” деб номланган спектакл қўйилди. Мен бир ой давомида томошабинлар залида репетицияни кузатдим. Тақдирни қарангки, спектаклдаги иккинчи даражадаги Валя ролига мени дублёр қилишди... Ўша кунларни унутмайман... Не кўз билан кўрайки, мени шунчаки реплика бериб туради, деб саҳнага чиқарган Баҳодир Йўлдошевнинг кўзларида ёш эди. Мени кучоқлаб: “Мени кечиринг, шунча пайт сизни саҳнага чиқармаганим учун узор”,

деди. Ва мен яна бош ролларни ижро эта бошладим. Йиллар ўтиб яна бош режиссёр билан нимагадир ўртамизга совуқчилик тушди. Шундан сўнг Миллий театрда ўтиб кетдим. Умримнинг ўн беш йилини ҳозирги Ўзбек давлат драма театрида ўтказдим.

- **Миллий театрда сизни қандай кутиб олишди?**

- Ўзбек Миллий академик драма театрига қирқ ёшимда бордим. Умримнинг йигирма беш йили шу саҳнада ўтди, ўтаяпти. Қаранг, ҳамма нарасада ҳикмат бор, деб бекорга айтишмайди. Шу театрда ишлаб унвон олдим, киноларда суратга тушдим, теленовелларда ўйнадим... ҳаммаси яхшиликка бўлган экан. Мен бугун нимага эришган бўлсам, ҳаммаси меҳнатим билан бўлди. Оилада ҳам, санъатда ҳам фақат меҳнат қилдим. Санъат учун, яқинларимнинг бахтиёрлиги, оиламнинг омонлиги учун яшадим. Ишонасизми, меҳнатсиз бир куним ўтмабди. Ҳатто оғир хасталикка чалинганимда ҳам меҳнатдан воз кечмадим. Мени даволаган шифокорлар “сиздек беморни кўрмаганмиз”, дейишди.

- **Ҳаёт сизни севди, халқнинг меҳри билан сийлади ва синади ҳам... Синовларда матонат билан турибсиз...**

Аллоҳим, кўрсатган кунларингга шукр, дард бердинг, давоси ҳам ўзингдан... Худойим, ўзинг ниятларимнинг рўёбини бердинг, дардларинг билан синаб яна умр бераясан... кўпга бер, кўп қатори менга ҳам бер дейман... Умид билан, ишонч билан яшайман. Елиб-юғуриб яшайман, ишлайман, дардимни унутаман. Аслида, Бу ҳаётнинг ҳар бир они синовли. Бу синовларда ҳаммамизни Аллоҳ қўлласин.



## АФАНДИНИНГ ГАПИ ТЎҒРИ



Насриддин Афанди! Ўзбек халқ оғзаки ижодидаги ёрқин образ! Бу қаҳрамонни эсласак, юзимизга таббасум югуради, ҳатто халқ орасида “Афандининг кўшни-симисиз, Афандига ўхшаманг” каби иборалар ҳам бор.

Латифаларда ростгўй, мард, камбағал ва бева бечораларнинг ҳомийси, шахс ва жамият камчиликлари устидан кулвучи халқ қаҳрамони сифатида гавдаланган Афандининг гўёки ҳал қила олмайдиган муаммоси йўқ. Насриддин доим оддий кишилар орасида юриб, адолатни, ҳақиқатни ҳимоя қилади, амалдорларнинг қинғир ишларини фош этиб, халқнинг заиф қатлами манфаатларини ҳимоя қилади. Бу образ нафақат ўзбек балки, Ўрта Осиё ва шарқ мамлакатлари халқлари орасида ҳам машҳур. Бизнинг Насриддин Афандимиз улар учун ҳам сеvimли!

Афанди образи – қозоқ ва қирғиз қардошларимизда Алдаркўса, туркманларда Мирали, озарбайжонларда Бахлул, Мулла Насриддин, татарларда Аҳмадакай, қорақалпоқларда Умирбек лаққи номлари билан машҳур.

Ўрта Осиёнинг Афандилари Европа ва Америка халқлари кулги қаҳрамонларидан анчагина фарқ қилади. Шарқ кулгусида латифаларнинг маъноси “қоса тагида нимкоса” шаклида берилди. Бу ёндашув шарқона одоб-ахлоқ қоидаларига мос келади.

Насриддин Афанди ҳақида “Насриддиннинг ёшлиги”, “Насриддин Хўжандда”, “Насриддин Бухорода”, “Хўжа Насриддиннинг саргузаштлари”, “Насриддиннинг ўн икки қабри”, “Афандининг беш хотини”, “Хўжа Насриддин”, каби кўплаб фильмлар, сахна ва экран асарлари яратилган. Бу образ шу қадр халқимизга сингиб кетганидан Бухоро ва Тошкентда Насриддин Афандига ҳайкал ҳам ўрнатилган.

- Нимангизни йўқотдингиз Хўжа Насриддин? – сўрабди кўшни.

- Чақа пулларимни тушириб юборгандим. Шуларни излаяпман, - жавоб берибди Насриддин.

- Шу ерда йўқотдингизми? – дебди кўшни.

- Йўқ! Ҳов анави қоронғи йўлакда йўқотдим. Лекин у ер қоронғилик қилапти. Чироқни тагига келиб излаяпман, - дермиш Насриддин.

Бир куни кечаси Афанди уйда ўтирса, кўшни хонадан шовқин эшитилибди.

Афанди деворда илиниб турган милтигини секин олиб хонага кирса, рўпарасида қоп-қора нарса турганмиш.

Афанди “пақ” этиб отибди. Ҳалиги нарса барибир шундоқ турганмиш.

Секин бориб қараса, ўзини чопони экан. Шунда афанди: - Яхшиям ичида ўзим йўқлигим. Бўлмаса, ўзимни отиб қўярдим, - дермиш.

1945 йилда Афанди немисларга асир тушиб қолибди.

- Сўнгги тилагингни тила! – дебди немислар унга.

- Қулупнай есам, армоним йўқ эди, - дебди афанди.

Немислар:

- Майли, қулупнай пишса ейсан, кейин отамиз, - дейишибди.

Қулупнай пишгунича уруш тугаб, Афанди омон қолган экан.

Бир куни Афанди янги лаган сотиб олиб, уйига кетаётган йўлда ўйлаб қолибди: “Ҳозир бу лаганни уйга олиб борсам, болаларим ерга тушириб синдиришади. Кейин уни тузатишга яна олиб келаман” дебди-да, лаганни шартта ерга ташлаб, синдириб, кулолга олиб бориб елимлатиб, кейин уйига олиб кетган экан.

Бир куни Афанди анҳор ёнидан ўтиб кетаётса, сувга чўкаётган болани кўриб қолибди.

Афанди сувга сакраб, уни қутқариб, уйига олиб борибди.

Болани ташлаб кетаётса, ота-онаси унга раҳмат ҳам айтмабди.

Афанди кўчага чиқса, бир пайт боланинг отаси орқасидан югуриб чиқибди.

Шунда Афанди:

- Майли, қўяверинг, ҳожати йўқ... Мен болангизга чин дилдан ёрдам бердим, - деса, отаси:

- Боламини бошида шапкаси бор эди, қани? - дермиш.

**Миржалол МАҲКАМОВ**  
интернет материаллари асосида тайёрлади

АБДУРАҲМОН ҚИЗИҚДАН  
ЛАТИФАЛАР

Бир куни бир киши кўлда балиқ овлаб турса, кўл назоратчиси келиб:

- Ҳой нима қиляпсиз, бу ерда балиқ овлаш мумкин эмас, - дебди

Балиқчи:

- Мен балиқ овлаётганим йўқ, - деб хотиржам жавоб берибди.

- Нима қиляпсиз унда, қўлингизда қармоқ туриптику, - дея асабийлашибди назоратчи.

Балиқчи ўйланиб туриб:

- Биласизми, мен чувалчангимни чўмилтираётувдим, - деяруш.

\* \* \*

Бир киши тоби бўлмади докторга борибди. Шифокор беморга қараб:

- Касалингиз жиддий, операция қилиш керак, - дебди.

Бемор:

- Майли энди нима ҳам қилардик кўргилик экан розиман, дебди.

Шифокор беморга қараб:

- Операцияни қиламизу, фақат наркоз қилиш керак шунда оғриқни сезмайсиз, дебди.

Бемор:

- Майли, наркозни қилинглари, мен розиман, - дебди.

Шифокор яна:

- Наркозни қиламизу, фақат икки хили борда... бири арзонроқ, бири қимматроқ. Қайси бирини қилайлик?

Бемор:

- Шу кўлим юқароқ арзонроғини қила қолинглар, - деса, шифокор беморнинг елкасига аста-аста уриб:

- Алла-а-а болам, алл-а-а - деяруш.

\* \* \*

Суд залида судья гувоҳдан сўрапти:

- Жиноятчи қайнонгангизни бўғаётганда сиз ўша ерда бўлган экансиз?

- Ҳа ўша ерда эдим, - дебди гувоҳ.

- Ия, нега унда ёрдам бермадингиз?

- Биласизми судья, ёрдам бермоқчи эдим, бундай қарасам, жиноятчининг ўзи бу ишни яхши эплаётган экан, - деяруш.

\* \* \*

Иккита аёл бир эракни таллашиб урушаётган эмиш. Биринчи аёл иккинчисига қараб:

- Ҳой, сен мени эримни тинч қўй, бошини айлантирма, - деса, иккинчиси:

- У мени севади, мен ҳам уни севаман! Ўзинг уни тинч қўй, - деб уришиб турса, нарироқда турган эрак:

- Оббо, ишқилиб буларни хотиним кўриб қолмасин-да, - деяруш.

\* \* \*

- Биласанми дўстим, шифокорлар ҳам жуда ақлли бўлар экан-да.

- Нега ундай деяпсан?

- Кеча шифокорга боргандим: “Сиз кўпроқ ақлли одамлар билан суҳбатлашиб юрсангиз яхши бўлади”, - деди.

Дўсти:

- Кейин нима қилдинг?

- Ҳа, ўзим билан ўзим гаплашиб юрибманда, - деяруш.

\* \* \*

Биттаси хотинининг олдида келиб:

- Хотинжон, мен сени илгари шунақанги яхши кўрардим, шунақанги яхши кўрардим. Жонимдан ҳам ортиқ кўрардим. Янги ўланган пайтимда яхши кўргангиздан сени еб кўйгим келарди, дебди.

Хотини:

- Ҳозир-чи? - деса,

- Ҳозир ўша пайтда нимага еб кўймаган эканман, деб афсус қиламан, - деяруш.

\* \* \*

Учрашувга чиққан йигит қизга қараб:

- Сиз жудаям чиройли экансиз. Менга ёқдингиз. Одобиңиз ҳам, кийиниңиз ҳам менга ёқди, - деса қиз:

- Биласизми, агар, сиз ҳам шунақа гўзал, чиройли бўлганиңизда мен ҳам сизга шундай деган бўлардим, - дебди. Шунда йигит яна қизга қараб:

- Сиз ҳам менга ўхшаб ёлғон гапириб қўяверинг, - деяруш.

\* \* \*

Биласизми, ҳамма юртни машҳур қилдиган ўзининг миллий таомлари бўлар экан. Америкаликлар хамирнинг ичига гўштни солиб қўйиб, “гамбургер” дер экан. Италияликлар еса гўшт билан пишлоқни аралаштириб қўйиб “пицца” дейишаркан. Турклар хамирни ичига гўштни қўйиб “донар” деб аташаркан. Руслар эса хамирни ичига гўштни тиқиб қўйишиб “перашка” дейишар экан. Бизни айрим ўзбеклар еса хамирнинг ичига пиёзни тўғраб қўйишиб: “Келинг, гўшти сомса бор”, - деб сотишар экан.

\* \* \*

Бойвачча йигит зўр хориж машинасини сотиб олибди. Машинанинг орқасига 4x4 деб ёзиб қўйилган экан. Ҳалиги одам машинасини кўчага қўйиб, кириб кетса бир киши келиб, машинани орқасига қараб:

- Ия буни тўғри ёзмабдику, - деб, 4x4 = 16 ёзиб қўйибди. Машинанинг эгаси ёзувни кўриб, хуноби чиқиб, устага бориб “= 16” деган ёзувни ўчиртирибди. Эртаси куни яна кимдир = 16 ни 4x4 дан кейин ёзиб кетибди. Охири машинанинг эгаси устага бориб, 4x4 = 16 деб чиройли қилиб ёздирди. Бир куни ҳалиги математик одам яна ўша машинани кўриб қолибди. Қараса 4x4 = 16 деб ёзилган экан. “Математик” 16 дан кейин “тўппа-тўғри” деб ёзиб қўйганмиш.

\* \* \*

Эълон:

“Ҳурматли ўртоқлар хотиним ҳайдовчилик гувоҳномасини йўқотиб қўйди. Кимда-ким топиб олса, ўша гувоҳномани ё йиртиб ташласин ёки иккиланмай ёқиб юборинг, мукофоти бор!”

Йўл-йўлакай

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗДИ...

**Мени эсаяпсизми? Ҳа, ўша Зийрак бобонгизман. Катта танаффусдан кейин яна бир шаҳар айланиш учун пойтахт кўчаларини кездим. Дунёда катта шаҳарлар кўп, пойтахтлар талай, лекин ҳеч бирининг тафти Тошкент каби иссиқ эмас. Бекорга: “Тошкентнинг донини еган чумчуқ Маккадан қайтиб келади”, - деб айтишмаган. Гўзалликдан дилим яйрайди, лекин баъзида кўнгилни хира қиладиган манзараларни кўриб, хафа бўламан. Ҳақиқат аччиқ бўлади, аммо унинг меваси ширин!**



Бугун саёхатни **Бектемир** томонлардан бошладим. Билсангиз, “Мажнунтол” маҳалласи бор, шу “Мажнунтол” га етмасдан ўнг қўлда катта кўча билан кириб борсангиз, Ийк ота маҳалласи бор. Бу ҳудудда намунали уйлар қурилибди. Яқингача бу ҳудуд Юқори Чирчиқ туманига қарар эди. Шаҳарга қўшилганига кўп бўлмаган. Бу ерларда ҳозир жуда файзли, чиройли маҳаллалар барпо бўлганини кўриб кўзим қувонди. Авваллари йўлнинг бир томонига деҳқонлар сабзавотлар экарди. Қаранг, ҳозир йўл бўйини чиройли уйлар тўлдирган. Кимдир эшик олдини обод қилган, яна кимдир янги уй қураяпти, йўлнинг бир четига катта маркет тушади шекилли усталар ишляпти.

Катта йўлда машиналар серқатнов, шу ернинг одамлари “эрталаб ва кечки тигиз пайтларда узундан-



узок тирбандликлар ҳосил бўлади” дейишди. Ростдан ҳам машиналар кўп экан. Бу ҳам яхшиликка, аммо масаланинг бир томони мени ўйлантирди. Маҳалла ичига фақат “Кўйлик” бозоригача дамаслар қатнар экан. Лекин аҳолининг аксарияти шаҳар марказига қатнаб ишлайди, талабалар, ўқувчилар ҳам бор. Улар катта йўлга тўрт-беш бекат пиёда боради. Борганда ҳам ўша серқатнов катта йўлдан юради. Катта йўл фақат машиналар учун мўлжалланган, йўлнинг бир томони анҳор, нариги тарафи эса эни икки метрдан ортиқроқ келадиган тупроқ йўлак. Бу йўлак ёзда тупроқ, куз-қишда лой. Мутасаддилар бу томонларга фақат машинасида келади шекилли, эътибор қилмаган кўринади. Туман ҳокимиятидагилар ҳам мен каби бу жойларни бир пиёда кезганида эди, балки бу масалага жиддийроқ ёндашган бўлармиди... Ҳар ҳолда пиёдалар йўлакчаси ўта зарур эканлигини тушунган бўлишарди. Айниқса, болажонларини боғчадан олиб қайтаётган оналар, бувилар учун пиёдалар йўлаги зарур.

Маҳалла аҳолиси аҳил экан, кўни-кўшнилари келишиб ўзлари яшайдиган кўчаларни ёритиш учун махсус чироқлар ўрнатган. Аммо катта йўл кун ботиши билан зимистонга айланади. Бугун кун-у тун ишлайдиган замон, шундай катта йўлда кечаси милт этган чироқ, пиёдалар йўлаги йўқ, ёмғир-қорда, қуёшли кунларда сал жон сақлаб турадиган бир бекат ҳам йўқлиги ёмон.



Шуларни ўйлаб келаётсам, олдидан шув этиб темир арава ўтди. Велосипед бўлиб велосипед эмас, арава десам аравага ўхшамайди. Камига ёш бола бошқариб кетмоқда. Эътибор билан қарасам, ҳинд

киноларида кўп кўрган “рикша”ларга ўхшайди. Бектемир ҳудудида бунақа “рикшалар”дан жуда кўп экан. Бу уловларни ҳеч қандай ҳужжатсиз ҳам бошқарса бўлади шекилли, баҳога етмаган ёш боладан то етмишни қоралаб қўйган кампир ҳам бемалол ҳайдаб юради. Шу қадар кўпол ва қоидаларга зид равишда бошқарадики, бошқа қонуний автоулов бошқараётганларга жуда кўп халақит беради. Ҳар ҳолда инсон ҳаёти билан боғлиқ жараёнларда қонун устувор бўлса ёмон бўлмасди. Ҳайдасин ўша “рикша”сини лекин қонун-қоидаларга амал қилсин.

Катта кўчага амаллаб чиқиб такси тўхтатдим. Ҳайдовчиси ёшгина йигит экан: “Отахон қаерга?” – деб сўради. “Уч қахрамон постидан ўтганда “Парвоз” маҳалласига болам, фақат аввал **Юнусобод** деҳқон бозорига кириб ўтамиз. Қизимникига кетялман, бозордан набираларимга у бу нарса оволаман”, - дедим.



Машинага жойлашиб ўтирдим ҳамки, негадир ҳайдовчи йигит жойдан кўзгалай демайди.

- Болам, юрмайсанми, - дедим хуноб бўлиб.


- Ҳозир отахон, локация ёқиб олай.

- Нима ция?

- Ло-ка-ци-я! Йўл кўрсатиб кетади-да, отахон.

- Ёпирай, қанақа шопирсан ўзи?! Юнусобод бозорига ҳам йўлбошчи керакми сенга? Шаҳарни билмасанг, қандай қилиб киракашлик қиляпсан?!

Одамларга ҳам ҳайронсан! Бир газетада ўқигандим: Англияда такси ҳайдовчиси бўлиш учун шаҳардаги 25 мингдан ортиқ кўча ва барча биноларнинг аниқ манзилини ёддан билиши керак экан, агар им-



тиҳондан ўтолмаса, такси хизмати-га олинмас экан. Биздачи, “таксичиман”, - дейдию, йўлни сендан сўрайди. Шу ҳам иш бўлдию...

Йўл-йўлакай, Юнусобод бозорига кириб, набираларимга ширинлик, мева-чева олдим. Шу билан яна йўлда давом этдик. Бир текисда кетаётган йўл Юнусобод айланма йўлидан ўтганимиздан сўнг айланди-қолди. Бу ҳайдовчи йигит ростдан уквсизми дейман, йўлдаги бироррта чуқурни бегона қилмади-я, десам ўзи текис йўл йўқ экан. Ўзи ҳам Уч қахрамон постига етганимизча йўл илма-тешик бўлиб кетибди. Шу Юнусобод туман ҳокимияти мутасаддилари деҳқон бозоридан Уч қахрамон постигача бўлган йўлга ҳам бир қараб қўйишса бўларкан, чуқурлардан қочаман, деб ҳайдовчилар қоидаларни бузишга тўғри келяпти.

Тунов куни **Чилонзор** тарафларга йўлим тушганди. Атрофни кўздан кечириб, шаҳарни томоша қилиш мақсадида Чилонзор метросидан Афруз тўйхонасигача пиёда юришга қарор қилдим. Метродан чиқшим билан: “Келинг янги қилинган салатлар, жуда ҳам ширин, арзон қилиб бераман”, - деб бақириб харидор чақираётган сотувчилар эътиборимни тортди. Овоз ҳам зўр, қўшиқ айтса, Отабек Мухаммадзохиддан яхши айтади. Уларга яқинлашиб, салатларнинг нархини сўрадим. Баҳоси ҳам хилига қараб 10 000 сўмдан 35 000 сўмгача экан. Салатлар солинган идишларга кўзим тушдию, ҳафсалам пир бўлди. Бу идишлар сув кўрмаганига анча





бўлганов. Бунинг устига салатларнинг усти очиқ. Ие, бу қанақаси, десам гапимни эшитмаганга олишди. Камига маҳсулотларнинг тепасида одамлар тамакини буруқситиб тутатиб туришибди. Яна бир тарафда автобуслар бекати ва катта йўл. Автобуслардан чиқаётган захарли газлар тўғри шу тарафга келади. Бундай шароитда салатларнинг санитария қоидаларига жавоб бериши ҳақида умуман гап бўлиши мумкин эмас! Бу тариқа маҳсулотларни сотиш инсонлар соғлиги учун қанчалик зарар эканлигини биласанмикин. Тирикчилик, деймизу, бировларнинг саломатлигини ўйламаймиз...

Яқиндагина тушган нафақа пулимни нақд пул қилиш мақсадида банкомат ёнига келдим. Шу банкомат дегани роса жонга оро кирди, зумда пулни нақд қилиб оласиз, яна шаҳарнинг ҳар бир қадамида борлиги қулай... Аммо банкомат атрофидаги ҳолатни кўриб, бироз кайфиятим бузилди. Пул бергични чангини кўриб кўнглим хира бўлди, яна ундан фойдаланган инсонлар ахлат кўтиси қолиб, чекни ерга ташлаб кетишган. Одамларга ҳам ҳайронсан: керак эмас экан, нима қиласан чек чиқариб?! Наҳотки, қоғоз исроф бўлаётгани ҳақида ҳеч ким ўйлама-са! Асабийлашиб, пулимни олдим-



да, йўлимда давом этдим. Совуқда ҳамма уйига шошган. Биров билан бировнинг иши йўқ. Жаҳон тиллари университетининг ёнига келганимда қорда сичқонларнинг ўйнаб юрганига кўзим тушди. Сичқон дегани совуқ қотмас экан, жони темирдан деган ўйлар келди. Уларнинг шу ерда уяси бормикин десам, аксинча “беш юлдузли ресторан”и бор экан. Йўлнинг чеккасидаги чиқиндилардан барпо қилинган “ресторан”. Шу ердаги дўконлар орқасида 50 метрча узокликда чиқиндихона ҳам мавжуд. Дарахтнинг олдиғача келган оёқлар наҳотки 50 қадам юриб махсус ахлатхонага боришга кучи етмаган бўлса. Бу билан ўзимизнинг томиримизга ўзимиз болта урмаймизми? Мутасаддилардан талаб қиламиз, аммо ўзимиз мавжуд тартиб-қоидаларга қанчалик амал қила-яймиз...

Манзилимга етай деб қолганимда яна бир нарсага кўзим тушди. Фақат Зийрак бобонинг кўзи чиқиндилардан бошқасини кўрмас эканда

деманг-ку, лекин бу ҳам аянчли ҳол. Ахвол кўзингизни олиб қочсангиз яна ахлатга тушадиган даражада! Катта йўлнинг чеккасида симёғочлар остида яна чиқиндилар. Бу ердан 40 метрча узокликда каттагина чиқиндихона турибди. Ё чиқинди ташловчиларнинг кўзи кўрмайди ёки чиқиндихона ишламайди. Биринчиси ҳақиқатга яқинроқ, менимча. Чунки чиқиндихона ишлаётган экан. Шу ердаги дўкон эгаларидан: “Бу чиқиндиларни ким ташлаган”, - деб сўрадим. Айтишларича, шу яқин атрофдаги кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли олиб чиқиб ташлар экан. Эҳ, бу одамлар чиқиндини белгиланмаган жойга, яъни кўча-кўй, дарахт таги, ариқ ичларига, умуман, дуч келган жойга ташлаш мумкин эмаслигини қачон тушуниб етаркин-а?!

Шаҳар айланиб **Мирзо Улуғбек** туманининг Паркент кўчасига бориб қолдим. Бу кўчада бир пайтлар тирбанд бўлган чорраха бор эди. Бугун бу чорраха ўрнида 3 қаватли кўприк қурилибди, кўча бўйлаб кўп



қаватли уйлар қад ростлаган. Кўчанинг чиройига маҳлиё бўлиб, оёғим тагидаги чуқурни кўрмай қолибман. Пиёдалар йўлаги четида, ер остидан оқиб ўтувчи 1 метр чуқурликда ариқ ўтган экан. Ариқнинг ҳар 10 метрида бир одам сиғадиган 10 тача тешик қолдирилган. Бироқ, тешиклар устига қопқоқ қўйилмаган. Қишнинг совуқ ва қоронғу кунларида бу чуқурларни кўрмай қолиш ҳеч гап эмас. Шунча қурилишни қилган қурувчилар шу тешикларни ёпишни унутишганми, дейман...




Бугун пойтахт таниб бўлмас даражада ўзгарган. Баланд-баланд бинолар, бир-биридан гўзал иморатлар қад ростлади. Улкан автомагистраллар, кўприклар барпо этилди.



Аммо, юқорида келтирилган айрим камчиликлар одамнинг дилини сиёҳ қилади. Мутасаддиларимиз шу камчиликларга ҳам эътибор қаратишса, одамлар ўзимизга хос маданият билан яшасалар шаҳримиз янада чирой очар эди.

Зериктириб қўймадимми? Қаричиликка йўйманг-у, мен бор гапларни айтдим. Яна яқин кунларда “оқшом”нинг саҳифаларида кўришиб қоламиз...

**Зийрак бобо.**



## ОБОДОНЛАШТИРИШ ХОДИМЛАРИ КИМЛАРДАН ХАФА?

**Қарийб бир ҳафта давомида Марказий Осиё давлатлари, жумладан, мамлакатимизда ҳам аномал совуқ ҳукм сурди. Юртимизнинг барча ҳудудларида об-ҳавонинг кескин пасайиб кетганиги, қалин қор ёққанлигига қарамасдан жойларда ободонлаштириш тизими ходимлари ўз фаолиятини давом эттирди. Ана шу фидойи инсонларнинг саъй-ҳаракати билан аҳоли гавжум ҳудудлар – бозор йўлакчалари, бекатлар, тротуарлар, кўп қаватли уйларнинг кириш қисмлари қор ва муздан тозаланмоқда.**

Аномал совуқда ўз ишлари-га садоқат билан ёндашган инсонлар бугун бизнинг чин маънода қаҳрамонларимиздир. Ҳозирги совуқ об-ҳавода ярим соат кўчада турсангиз тарашадек қотиб қоласиз. Бу инсонлар эса шу совуқда соатлаб кўчада ишламоқда. Аномал совуқ шароитида «иш», дея кўчага чиққан бу ходимлар совуқдан эмас, айрим инсонларнинг муносабати-дан бир оз хафа.

**Сайёра Содиқова:**

– 14 йилдан буён ободонлаштириш бўлимида ишлайман. Шу йиллар мобайнида ҳар хил вазиятларга дуч келдим. Тозалаган жойимга яна чиқинди ташлаб кетишаётганини кўрганимда, жуда хафа бўлиб кетаман. Бир сафар ана шундай вазиятда чиқиндини махсус идишга ташлашни айтганимда: “Сенлар нима қиласан унда?! Бу сенинг вазифанг, ишингни қил!” - деган жавобни эшитганман. Бундай пайтларда аламиндан йиғлаб олган пайтларим ҳам бўлган. Аммо танганинг иккинчи томони ҳам бор, ҳамма ҳам ундай эмас. Атрофимизда саховатпеша инсонлар бор, улар совуқда меҳнат қилаётганимизни тушуниб, иссиқ овқат ва ичимликлар кўтариб келишади. Яхшиларнинг ота-онасига мингдан-минг раҳмат. Шундай пайтларда кўнглимиз тоғдек кўтарилади.

Мен ҳам бу касбни хоҳлаб танламаганман. Аллоҳим пешонамга шу ишни қилишни ёзган экан қиялман. Баъзи пайтлар овқатланиш учун кирсак, бизга паст назар қарашади. Кўпол муносабатда бўлишади. Лекин билишмайдики, биз улар юрган йўллари тозалаб юрганимизни. Биз ҳам улар каби инсонмиз. Тўрт мучамиз соғ, ҳалол меҳнат қилиб оиламизни боқаямиз.

Инсонларнинг битта табассуми бизга куч беради. Тозалаётган пайти-мизда “раҳмат” деб айтишининг ўзи кифоя.

**Шерали Отабоев:**

– Ободонлаштириш бўлимида етти йилдан буён ишлайман. Ишга келган вақтларим касбимдан уялардим. Одамлар келаётганда тескари қараб турардим. “Нима бўлса ҳам танишларим кўриб қолмасин”, - деган хавотир доим бўлган. Ҳозир ундай эмас. “Касбинг ҳалол бўлса, меҳнатинг билан пул топсанг, нима учун уялишинг керак”, деган хулосага келганман. Совуқ кунларда ишладик. Халқимизга раҳмат, бизни ёлғизлатиб қўйишмади. Бизга иссиқ чой ва иссиқ овқатларни илинди. Лекин шундай вазиятлар ҳам бўлади-ки, шу ишда ишлаётганимдан афсусланиб кетаман. Яқинда бир воқеа бўлди. Бир ёш бола чиқиндини дарахт тагига ташлаб кетаётган эди. Уни тўхтатиб: “Нимага унақа қилдинг, чиқиндини идишга ташласанг бўлмайдики?”, - десам, онаси келиб: “Боламга нимага гапирасан? Чиқинди тозалаш сени ишинг бўлгандан кейин қиласан-да!” - деб ўшқирди. Бу ҳолатдан сўнг ўзимга келишим тўғриси, қийин бўлди. Аёлнинг шу иши тўғрими? Фарзандига қандай ўрнатқилар кўрсатаяпти? Ахир яшаётган жойимизни обод қилиш, унинг тозаланиши таъминлаш барчанинг вазифаси эмасми?!

Ҳар қандай шароитда инсон қадрини улуғлаш халқимизга хос анъана. Ҳар биримиз чиройли маданиятимиз, гўзал хулқимиз билан ободонлаштириш соҳаси ходимларига имкон қадар ёрдам берайлик, кўмаклашиш қўлимиздан келмаган тақдирда зараримиз ҳам тегмасин.

**Бойсафар Холмирзаев тайёрлади**

Долзарб мавзу



## САЛОМАТЛИККА ҲАМОН ХАВФ СОЛАЁТГАН

### “COVID-19”

**Бутун дунёда тождор вирус номини олган касаллик – коронавирус пандемиясининг дастлабки йили бутун инсоният учун оғир синов бўлди.**

Республикада коронавирус бўйича ҳолатга эътибор қаратилса, бугун юртимизда коронавирус инфекцияси билан боғлиқ вазият барқарор. Бироқ Шимолий ва Жанубий Америка, Европа ва Шарқий Осиё минтақаларида жойлашган қатор мамлакатлардаги эпидемиологик ҳолат ҳануз мураккаблигича қолаётганини кўриш мумкин.

Пойтахтимизда 17 январь ҳолатига кўра 17 нафар фуқарода коронавирус инфекцияси аниқланди. 117 киши карантинга олинди.

Республикада коронавирус инфекциясига қарши комплекс профилактик ва унга қарши тадбирларнинг ўз вақтида мақсадли амалга оширилиши натижасида касалликка чалинганлар сони нисбатан камайиши кузатилмоқда.

Албатта, коронавирус инфекциясининг янги штамми билан касалланганлар ҳам борлиги мутахассисларнинг хавотирига сабаб бўлмоқда.

Бу эса касаллик ҳали ортга чекинмагани, шу сабабли COVID-19нинг оғир асоратларидан ҳимояланиш учун вирусга қарши тўлиқ босқичларда вакцина олиш, айниқса, бустер доза билан эмланиш зарурлигини кўрсатмоқда.

#### Ёш болалар орасида коронавирус инфекцияси кўпайиб бораётгани?

Ижтимоий тармоқларда “Ёш болалар орасида коронавирус инфекцияси кўпайиб бораётгани” мазмунидagi хабарлар тарқалди. Мазкур хабарларга соғлиқни сақлаш вазирлиги муносабат билдириб, бу маълумотларнинг ҳақиқатга зид эканлигини маълум қилди.

“Болалар орасида ўткир респиратор касалликлар ва коронавирусга чалинишнинг сўнгги кўтарилиши ўтган йил куз ойларига тўғри келган эди. Ўша пайтда Зангиота юқумли касалликлар шифохонасида беморлар учун 500 та қўшимча шифо ўрни яратилган эди.

Ҳозир ҳолат барқарор бўлиб, хасталаниш кўрсаткичлари кескин камайган.

Агар болалар орасида коронавирус ёки

бошқа ўткир респиратор касалликлар ортиши кузатилса, бу бўйича расмий ахборот берилди”.

#### Эмлаш – касалликнинг олдини олишда самарали йўл...

Республикада коронавирус инфекциясига қарши курашиш, аҳоли саломатлигини сақлаш, барқарор санитария-эпидемиологик ҳолатни таъминлаш, COVID-19га қарши эмлаш жараёнига жиддий эътибор қаратилганини таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистонда коронавирус инфекциясининг давлатимизга кириб келиши ва тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида республикада олиб борилаётган чора-тадбирлар ижросига жиддий эътибор қаратилди.

Барчамизга маълумки, юқумли касалликларнинг тарқалишини олдини олиш бўйича энг самарали йўл бу – иммунизация тадбирларидир, яъни соғлом инсонларни ушбу касалликка қарши эмлашдир.

Бизни ушбу касалликдан ва касаллик туфайли юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатлардан фақат эмлаш қутқара олади. Турғун иммунитет бизнинг ҳимоя кўрғонимизга айланишини мутахассислар таъкидлашмоқда.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда коронавирус инфекциясига қарши қўлланилган жами вакциналар сони 74 миллион дозадан ошди.

2023 йилнинг 17 январь куни мамлакатимиз ҳудудлари бўйлаб 16 192 доза COVID-19га қарши вакцина қўлланилди.

Биз, касалланган ёки касалланмаганлигимиздан қатъи назар коронавирусга қарши эмлансак, шундагина “иммуни-тет” аталмиш ҳимоя кўрғонимизни мустаҳкамлаймиз.

Ўзингиз ва яқинларингиз саломатлигига беъэтибор бўлманг!

**Зиёда РАСУЛОВА**



## РЕКЛАМА

### Ҳурматли Акциядорлар!

«Gazalkent оуна» АЖ КК 2023-йил 14 февралда Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Искандар кўрғони, Фурқат кўчаси, 102 уйда Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида Сизларни хабардор қилади.

Акциядорлар умумий йиғилиши бошланиш вақти: 10-00. Акциядорларнинг реестрини тузиш саноли:

Умумий йиғилиш ҳақида хабар бериш учун - 2023 йил 18 январь

Умумий йиғилишга қатнашиш учун - 2023 йил 8 февраль

2023 йил 14 февраль Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. «ABS FINANS AUDIT» МСНЖ аудиторлик ташкилотининг 2020-2021 йиллар якунлари ҳулосаси ва якуний инвентаризация натижаларини тасдиқлаш тўғрисида.

2. «Gazalkent Оуна» АЖ ККсини Маъсулияти Чекланган Жамиятга ўтказиш тўғрисида

3. «Gazalkent Оуна» АЖ ККсини қайта ташкиллаштирилиши муносабати билан эмитент томонидан акцияларини қайта сотиб олиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг **40-моддаси “Акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини амалга ошириш тартиби”**га асосан, жамият, акцияларни ва овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул билан тўланадиган қимматли қоғозларни жойлаштира бошлайдиган кундан камида 30 кун олдин жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлмиш акциядорларни ушбу Қонунда назарда тутилган ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари мумкинлиги ҳақида хабардор қилиниши лозим.

**Шу билан бирга Қонуннинг 41-моддасига асосан:** Акцияларни сотиб олиш тўғрисидаги қарорда сотиб олинадиган акцияларнинг турлари, жамият сотиб оладиган ҳар бир турдаги акциянинг сони, сотиб олиш нархи, акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати, шунингдек акциялар қанча муддатда сотиб олиниши белгилаб қўйилиши лозим.

Агар жамиятнинг уставига ўзгача тартиб белгиланмаган бўлса, акцияларни сотиб олиш вақтида уларга пул билан ҳақ тўланади. Акцияларни сотиб олиш муддати 30 кундан кам бўлмаслиги керак. Жамият томонидан оддий (одатдаги) акцияларни сотиб олиш нархи бозор баҳосига мувофиқ белгиланади.

Сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилинган муайян турлардаги акцияларнинг эгаси бўлмиш ҳар бир акциядор кўрсатиб ўтилган акцияларни сотишга ҳақлидир, жамият эса уларни сотиб олиш шарт. Агар жамиятнинг сотиб олиши тўғрисида ариза тушган акцияларнинг умумий сони ушбу моддада белгиланган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда жамият сотиб олиши мумкин бўлган акцияларнинг сонидан ортиб кетса, акциядорлардан аризада кўрсатилган талабларга мутаносиб равишда акциялар сотиб олинади.

Акциялар сотиб олинадиган муддат бошланишига кечи билан 30 кун қолганда жамият муайян турдаги акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларни хабардор қилиши шарт. Хабарномада ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатиб ўтилган маълумотлар бўлиши лозим. «AMIR AVTO VANOLASH» МЧЖнинг ҳисоботига асосан ҳар бир акциянинг бозордаги баҳоси 122 сўмни ташкил этади.

Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича ҳужжатлар билан Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Искандар посёлкаси, Фурқат кўчаси 102 уйда иш кунлари соат 10-00 дан бошлаб 18-00 гача танишишлари мумкин.

**Кузатув кенгаши**

1993 йил 18 февралда Исаков Алимжан Аҳмаджанович номига берилган №05-02/6595 рақамли давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли берор қилинади

**TOSHKENT OQSHOMI**

Манзилимиз:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:  
Қабулхона (71) 233-61-10  
Реклама (71) 233-28-95

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот бошқармасида  
02-001-рақами билан рўйхатга олинган

Нашр учун масъул  
Ш.ЗУФАРОВА

Топшириш вақти 00:55  
Топширилди 05:00



**МУАССИС:  
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ**

**Бош муҳаррир  
Севдо НИЁЗОВА**

“NISO POLIGRAF” МЧЖ босмаҳонаси.  
Манзил: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани,  
“Машъал” маҳалласи, Марказий кўчаси, 1-уй

Ҳажми — 2 босма  
табоқ, офсет усулида  
босилди. Адади 500  
нусха қоғоз бичими А3

Газета таҳририят компьютер  
марказида саҳифаланди